

**“Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси” ўқитувчиси  
О.Абдусаматованинг Фарғона ВХТХҚТМОИда Республикамизда тинчлик-  
осойишталикни ва хавфсизликни мустахкамлаш, уни ҳимоялаш юзасидан  
тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан ўтказилган тадбирда  
“МАФКУРАВИЙ ТАҲДИД ШАКЛЛАРИ”  
мавзусидаги маърузаси**

**Мафкуравий таҳдид** – ижтимоий-сиёсий ҳаракат, оқим ёки сиёсий куч ўз манфаатини ифодаловчи мафкурасини кўрkitиш, зўрлик йўли билан бошқаларга тикиштириш. Мафкуравий таҳдид жамият, давлат, ёки халқ, миллат ёки элат тақдирига хавф солиб турган, фожеали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси.

Республикамиз мустақилликка эришилган дастлабки вақтда мамлакатимизга қарши қаратилган қуйидаги мафкуравий таҳдидлар мавжуд эди:

- ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

- ёш мустақил давлатларни қайтадан собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

- тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

- ахлоқсизликни ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга қаратилган интилишлар;

- турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можаролар келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Бугунги кунга келиб бу мафкуравий таҳдидларни сони ошиб, уларни таъсир этиш усулари ривожланиб бормоқда. Шу сабабли миллатимиз тафаккурида кечаётган ижобий ўзгаришларни ҳам, ёт мафкураларнинг таъсир кучини, уларнинг натижасида бўлиши мумкин бўлган салбий оқибатларни олдини олиш ва унга қарши кураш мақсадида мафкуравий мониторинг ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир.

**Мафкуравий тажовуз** – муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоявий назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуидир. Маънавий тажоввуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкарида ёки ташқарида туриб бевосита амалга ошириладиган ғоявий бузғунчиликларни шаклидир.

Бугунги кунда маънавий тажоввуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи ғоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик ғояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади.

ғоявий, мафкуравий таҳдид кучайган жойда аҳоли кенг қатламлари, хусусан, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган уринишлар кучайиб боради. Айниқса, дунёнинг турли мамлакатларида жойлашган, катта молиявий ва мафкуравий таъсир кучига эга бўлган баъзи ғоявий марказлар ана шундай вазиятдан фойдаланиб, ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш йўлида кечаю кундуз ҳаракат қилмоқда.

Миллий мафкуранинг халқимиз онгига сингдирилишига ҳалақит берувчи омиллар сифатида қуйидагиларни белгилашимиз мумкин:

- а) миллий нигилизмнинг ёйилиши;

- б) миллий қадриятларнинг обрўсизланиши;

- в) тарихни сохталаштиришга уринишлар;

- г) миллатчилик ва бошқалар.

**а) миллий нигилизм** – ўз миллатининг, ўз юртининг, ўз Ватанининг ютуқларига нописандлик билан қараш, уларни назарга илмаслик, камситиш ва ўзлигидан нафратланиш руҳидаги мафкура. Бу мафкурага асир бўлган ёшлар ўз юртида яратилган

буюмларга нописандлик билан қараб, улардан нуқсон ахтаришга интилади, ўз юртининг олим ва мутахассисларига ишончсиз муносабатда бўлади. Бундай кайфият айниқса, собиқ советлар тузуми даврида камситилиб келинган республикаларнинг аҳолиси орасида кенг ёйилгандир. Бу республикаларда миллий қадриятлар узоқ йиллар мобайнида камситилиб келинганлиги учун аҳоли орасида ўз имкониятларини камситиб баҳолаш касаллиги кенг ёйилгандир.

**б) миллий қадриятларнинг обрўсизланиши;** миллий қадриятларни уларнинг моҳият-мазмунига юзаки ёндашиб, уларни тарқиб этишда бирёқлама ва сохта равишда иш олиб бориш натижасида обрўсизлантириш – бундай қадриятларга нисбатан жамоатчиликнинг антипатиясини туқдиради.

**в) тарихни сохталаштиришга уринишлар;** мафкуравий курашда рақиб мамлакатнинг тарихини, тарихда ўтган қаҳрамонлари, буюк саркардаларининг фаолиятларини сохталаштириб, халқни ўз қаҳрамонларидан бегоналаштириш усули самарали натижа беради. Шу қоидага амал қилган айрим мафкурашунослар кейинги йилларда ИНТЕРНЕТ сайтларида ўзбек халқининг тарихини атайлаб сохталаштиришга, бу халқни гўёки яқин ўтмишда тарих сахнасига кириб келган сахройи-кўчманчилар деб талқин этувчи мақолалар пайдо бўлмоқда. Бундан ташқари, ана шу сайтларда Амир Темур образини, Улуғбек шаънини ва бошқа миллат сиймоларини обрўсизлантирувчи мақолалар ҳам чиқди-ки, бундай мақолаларни фақат юртимиз шаънига ғаразли ният билан қаровчи, мафкуравий мақсади мамлакатимизни камситишдан иборат бўлган кимсаларгина ёзиши мумкин. Бундай ҳаракатлар миллий мафкуранинг халқимиз онгига сингишига ҳалақит беради.

**г) Миллатчилик** - маҳдудлик ва мумтозликни тарғиб ва ташвиқ қилишга асосланган, ўз миллатига чуқур ишонч ва ўзга миллатларга ишончизлик руҳи билан йўғрилган назария ва амалиёт. М. ижтимоий воқелик ва унда кечаётган жараёнлар миллат тарихий тараққиётнинг бош субъекти, миллий муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг асосий тури деган нуқтаи назардан келиб чиқиб, баҳолана бошлаган макон ва замонда шаклланади. Миллатчилик тушунчасига юқоридаги каби тус бериш кенг тарқалган бўлсада, унинг ҳамров доирасини турлича талқин қилиш ҳоллари мавжудлигини таъкидлаш зарур. Масалан, собиқ иттифоқ даврида миллатчилик тушунчаси атайин сохталаштирилган ва миллийликнинг ҳар қандай кўриниши миллатчилик сифатида баҳоланган эди. Ҳозирги даврда айрим тадқиқотларда «миллатпарастлик», «миллатпарварлик» ва «миллатчилик» тушунчаларини мазмунан фарқлаш тўғрисида фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, миллатпарастлик «миллатларнинг тенглигини инкор этиш, ўз миллатини бошқа миллатлардан устун қўйиш, унга имтиёзлар яратишга интилиш, ўз миллатига сажда қилиш, унга ҳолис баҳо бермаслик, камчиликлар ва нуқсонларини сезмаслик», миллатпарварлик эса миллатларнинг тенглигини тан олиш, барча ирқ ва миллатларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш, ўз миллатига, унинг тили, маданиятига бефарқ бўлмаслик» тарзида талқин қилинади. Ўғиб ижтимоий фикрида миллатчилик тушунчасига позитив мазмун бериш кенг тарқалган. Хусусан, миллатчиликни миллий давлатларнинг шаклланиши империяларнинг барбод бўлиш жараёнида шаклланган сиёсий принцип сифатида талқин қилиш бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда айрим этносларнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа кўринишлардаги салбий таъқи таъсирларга жавоб реакцияси сифатида чиқадиган ҳаракатларни ҳам, шу жумладан, кўпгина халқларнинг чуқурлашиб бораётган интеграция ва дунё миқёсидаги интернационаллашув жараёнига қаршилик кўрсатиш йўлидаги уринишлари ҳам аксарият ҳолларда миллатчилик деб баҳоланади. Бундай талқин бизнинг фалсафий адабиётларимизда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бу жараёни совет даврида ҳаддан ташқари кенг ва салбий талқин қилинган миллатчилик тушунчасини «оқлаш» га уриниш деб баҳолаш мумкин. Аммо жиддий таҳлил қилинса, бундай ёндашувда - озодликка интилаётгани, ўзлигини сақлаб қолиш учун курашаётган миллатларнинг ҳаракати миллатчилик сифатида баҳоланаётганини кўрамиз. Аслида эса, бундай ҳаракатлар, кураш

жараёнида рўй берадиган айрим оқимларни инобатга олмаганда, моҳиятан истибдодни тугатишга ўз миллатининг озодлигини, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилгандир. Миллатчилик хилма-хил мазмун ва шаклда намоён бўлиши мумкин. Хусусан, катта ёки кичик миллатларнинг миллатчилигини, бошқа миллатларни ассимиляция қилишга қаратилган ёки миллий маҳдудликка йўналтирилган миллатчиликдан фарқлаш лозим. Шунингдек, миллий келишмовчиликлар ва низолар келиб чиқишига сабаб бўлувчи тажовузкор миллатчилик билан бир қаторга ундан ҳам хавфлироқ бўлган яширин, нозиклашган миллатчилик ҳам мавжуд. Орий қавмига мансуб бўлмаган халқларни жисмонан йўқ қилиб ташлашдек мақсадни кўзлаган национал-социализм (фашизм)да ўзининг энг мудҳиш қиёфасини намоён этган ҳолда миллатчилик ирқчилик билан қўшилиб кетганини кўрамыз. Миллатчиликнинг турли ижтимоий қатламларга тортилиши мумкин бўлган примитив кўриниши маиший миллатчиликдир. Ўзига хос этно-ижтимоий бирлик бўлган миллат ва улар ўртасидаги муносабатлар мавжуд бўлар экан, маиший миллатчилик у ёки бу даражада сақланиб қолаверади, дейиш мумкин. Тарихий тажриба ҳал этилмаган ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг кўпайиб кетиши, ижтимоий адолатсизликнинг илдиз отиши шароитида унинг жиддий ўсишидан далолат беради. Яндай шаклда бўлмасин, миллатчилик ортида моҳият эътибори билан ўзга халқлар ва маданиятларни камситиш, уларга менсимаслик билан муносабатда бўлиш туйқуларига ётади. Бундай қарашлар аксарият ҳолларда миллатнинг тарихий ривожланиши давомида рўй берган (баъзан рўй бермаган) адолатсизликларда ҳам муайян халқларни айбдор қилишга уринишлар билан омукта ҳолда юз кўрсатади. Умуман олганда, миллатчилик бир томондан, бошқа миллатлар билан турли соҳалардаги айирбошлаш жараёнидан маҳрум қилиб миллатнинг маънавий қашшоқлашувига сабаб бўлса, иккинчи томондан, ўзаро келишмовчиликлар учун замин яратади. Миллатчилик туйқуларига бутун миллатни ҳамраб олган ва давлат структуралари томонидан бундай кайфиятлар қўллаб-қувватланган пайтда эса у миллатлараро муносабатларнинг таранг ҳолатда сақланишига, ўзаро ишончсизлик туйқуларининг илдиз отишига, мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг чўзилиб кетишига ва доимий беқарорлик ҳолатининг сақланиб қолишига сабаб бўлади. Миллатчилик миллий мафкуранинг жамият ҳаётига чуқурроқ кириб боришига ҳалақит беради. У жамиятнинг турли қарама-қарши миллатларга ажралиб кетишига йўл очади.

Бу омиллар мафкуравий жараёнда деструктив рол уйнайди, айниқса улар маънавий хавфсизлигимизга жиддий зарар келтиради. Мафкуравий таҳдидларнинг бузғунчи таъсирини камайтириш учун эса мафкуравий иммунитет тарбиясига жиддий эътибор қаратиш лозим.

**“Педагогика, психология ва  
таълим менежменти кафедраси”  
мудир:**

**З.Маматқулова**

**“Педагогика, психология ва  
таълим менежменти кафедраси”  
ўқитувчиси:**

**О.Абдусаматова**